

## IX. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2020 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 53,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизга кўпайди.

**Юк айланмаси.** Барча транспорт турлари томонидан 1 200,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди ва 107,9 фоизга кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича

	2020 йил	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да
Ташилган юк, млн. тн	53,1	103,8
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	53,1	103,8
Юк айланмаси, млн. тн-км	1 200,4	107,9
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1 200,4	107,9

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспорти юк айланмаси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 98,3 фоизни ташкил қилиб, 809,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди.

Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 82,8 фоизни ташкил қилди (2019 йилнинг шу даврида 95,8 %).

**Йўловчи ташиш.** 2020 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 412,2 млн. киши ташилди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 88,2 фоизни ташкил қилиб, 13 113,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси


	2020 йил январь- декабрь	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	412,1	87,1
шу жумладан, автомобил транспортида	412,1	87,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	13 113,1	88,2
шу жумладан, автомобил транспортида	13 113,1	88,2

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг йўловчи ташувчи автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 89,3 фоизни ва 12 113,6 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.


Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 98,4 фоизни (2019 йилнинг шу даврига нисбатан 97,2 %) ташкил қилди.

### Кичик бизнес субъектларининг юк ва йўловчи айланмасининг умумий ҳажмидаги улуши

(2019-2020 йилнинг январь-декабрь ойларида фоиз ҳисобида)



Юк айланмаси



Йўловчи айланмаси

2019  
йил

2020  
йил